| | |
|---|---|
| **«ТАСДИҚЛАЙМАН»**<br>**Тошкент Кимё халқаро университети ректор в.б.**<br>**А.Б.Аллакулиев**<br>__________________________<br>**«____»_______________2026 й.** | **«МАЪҚУЛЛАНДИ»**<br>**Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновация вазирлиги ҳузуридаги ОАК раиси**<br>**А.Т. Юсупов**<br>__________________________<br>**«____»_______________2026 й.** |

# 08.00.01-“Иқтисодиёт назарияси” ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон Д А С Т У Р И

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси
Иқтисодиёт фанлари бўйича эксперт кенгашининг
қарори билан тавсия этилган (_____________, №___)

**ТОШКЕНТ – 2026**

**ТОШКЕНТ КИМЁ ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИ**

**08.00.01-“Иқтисодиёт назарияси”**
**ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон**
**Д А С Т У Р И**

**ТОШКЕНТ – 2026**

Дастур Тошкент Кимё халқаро университетида ишлаб чиқилди ва университет Илмий Кенгашининг 2026 йил « » _________бўлиб ўтган мажлисида кўриб чиқилди(№- баённома) ва маъқулланди.

ОАК тартиб-қоида комиссиясининг 2026 йил _______ даги мажлисида “Иқтисодиёт назарияси” фани бўйича малакавий имтиҳоннинг дастури сифатида қабул қилинди.

**Тузувчи:**
Вахабов А.В. - иқтисодиёт фанлари доктори, профессор;

**Тақризчилар:**
Мамбетжанов Қ.Қ. - иқтисодиёт фанлари доктори, профессор;
Эгамбердиев Ф.Т.- иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

# К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида"ги 304-сонли қарорларида олий таълим тизимини ислох этишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланган олий таълимдан кейинги таълимда иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) тайёрлаш жараёни муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу жараён миллий иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида янада долзарб аҳамият касб этмокда.

Ушбу дастур "Иқтисодиёт назарияси" фанининг долзарб масалалари, республикада ривожланган бозор иқтисодиётини шакллантириш муаммолари; иқтисодиёт назариясининг фан сифатида ривожланиши, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда илмий билишнинг янги усулларини, янги педагогик ва ахборот технологияларни қўллашнинг методологик муаммолари ва бошқаларни ўз ичига олади. Дастур "Иқтисодиёт назарияси" фанидан малакавий имтиҳон топширувчиларнинг билим даражасини ошириш ва аниқлашга йўналтирилган.

**“Иқтисодиёт назарияси” фани дастурининг таркибий тузилиши (иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгор тадқиқотчиларнинг малакавий имтиҳон топшириши учун)**

| Т/р | Мавзуларнинг номи |
|---|---|
| 1 | “Иқтисодиёт назарияси” фанининг услубий муаммолари |
| 2 | Эҳтиёжлар, ресурслар ва ишлаб чиқариш жараёни назарияси |
| 3 | Жамият тараққиёти ва унинг ривожланиш босқичлари назарияси |
| 4 | Товар-пул муносабатлари - бозор иқтисодиётининг асоси сифатида |
| 5 | Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётини шакллантириш тамойиллари ва хусусиятлари |
| 6 | Бозор иқтисодиётининг амал қилиш механизми ва дастаклари |
| 7 | Тадбиркорлик фаолияти назарияси. Тадбиркорлик капитали ва унинг айланиши |
| 8 | Корхона харажатлари, иш ҳақи, даромад ва фойда назариялари |
| 9 | Ялпи ички маҳсулот: таркиби ва харакат шакллари |
| 10 | Иқтисодий ўсиш назарияси. Барқарор иқтисодий мувозанатга эришиш муаммолари |
| 11 | Ишчи кучи бандлиги ва ишсизлик муаммолари. Ишчи кучи бозори |
| 12 | Молия тизими ва молиявий сиёсат. |
| 13 | Пул назарияси, пул муомаласи қонуни |
| 14 | Бозор иқтисодиётининг ижтимоий ҳимоя тизими |
| 15 | Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш қонуниятлари. Миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви муаммолари. |

# АСОСИЙ ҚИСМ

## 1-мавзу. «Иқтисодиёт назарияси» фанининг услубий муаммолари

«Иқтисодиёт назарияси» фанининг вужудга келиши ва унинг замонавий йўналишлари. «Иқтисодиёт назарияси» фанининг шаклланиши. «Иқтисодиёт назарияси» фанининг предмети. Умумназарий иқтисодий фанларнинг илмий асоси сифатидаги иқтисодий тизимларнинг типологияси. «Иқтисодиёт назарияси» фанининг концепциялари. «Иқтисодиёт назарияси» фанининг предмети ва услублари.

«Иқтисодиёт назарияси» нинг турли кўринишлари - сиёсий иқтисод, Экономикс ва иқтисодиёт назарияси: предмети, мазмуни ва таркибий тузилиши. Иқтисодий фанлар интеграцияси ва табақалашувининг жараёнлари, ҳамда янги фанларнинг вужудга келиши.

Иқтисодий фанлар тизимида «Иқтисодиёт назарияси» фанининг ўрни. Иқтисодий қонунлар ва категориялар тизими, уларнинг ўзаро таъсири. Иқтисодий ва хўжалик механизмлари.

Иқтисодий жараёнларни илмий билишнинг тамойиллари. Билишнинг умумилмий, хусусий ва махсус усуллари.

«Иқтисодиёт назарияси» фанининг вазифалари. Жамиятнинг иқтисодий ривожланиш қонуниятларини таҳлил этишда «Иқтисодиёт назарияси» фанининг аҳамияти. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий фикрлаш тарзи, иқтисодий хулқ ва молиявий саводхонлик масалалари.

Иқтисодий жараёнларни ўрганишда турли ёндашувлар синтезининг услубий аҳамияти. «Иқтисодиёт назарияси» фанини назарий-услубий жиҳатдан бойитишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарларининг аҳамияти.

## 2-мавзу. Эҳтиёжлар, ресурслар ва ишлаб чиқариш жараёни назарияси

Иқтисодиётнинг бош масаласи ва унинг қарама-қарши икки томонлари. Ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар, уларнинг турлари ва туркумланиши. Эҳтиёжларнинг қондирилиш даражаси. Эҳтиёжларнинг чексизлиги ва тўхтовсиз ўсиб бориш қонуни. Эҳтиёжларнинг намоён бўлиши шакллари ва ўзгаришлари. Иқтисодий ресурсларнинг чекланганлиги ва турлари. Эҳтиёжлар, ресурслар ва ишлаб чиқариш.

Аҳолининг ўсиб бораётган талаб ва эхтиёжларини янада тўларок қондиришга қаратилган чора-тадбирлар. Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришда қишлокда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, “обод қишлоқ”, “обод маҳалла”, “обод туман” мақсадли дастурларининг аҳамияти.

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий мазмуни ва унинг икки томонлама табиати. Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг туркумланиши. Ишлаб чиқаришга энергия, ахборот ва экологик омилларининг таъсири. Ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро алмашинуви ва уйғунлиги.

Ишлаб чиқаришнинг натижалари: ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот ва соф ички маҳсулот. Ишлаб чиқариш самарадорлиги, ишлаб чиқариш имкониятлари чегараси. Ўзбекистон Республикасининг ресурс салоҳияти ва ундан самарали фойдаланишнинг зарурлиги.

Ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш, диверсификациялаш ва инновацион технологиялар билан куроллантиришнинг самарадорлик ва тежамкорликка таъсири. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда корхоналар ўртасидаги барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва уларни ривожлантиришнинг иқтисодий мазмуни. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги парламентга мурожаатномасида товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмини кўпайтириш тўғрисида.

## 3-мавзу. Жамият тараққиёти ва унинг ривожланиш босқичлари назарияси

Кишилик жамияти тараққиёти босқичларини билишга цивилизацион, формацион ва технологик жиҳатдан ёндашувлар. Аграр ва индустриал ишлаб чиқариш. Индустриал ва юқори индустрлашган жамият. Илмий-техника тараққиёти (ИТТ)нинг мохияти ва унинг белгилари. Индустриал ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарувчи кучлари ривожланишидаги сифат ўзгаришлар. Кишилик жамияти ривожланишининг устувор йўналишлари.

Иқтисодий тизимлар ва уларнинг моделлари. Иқтисодий тараққиётнинг ўзбек модели ва унинг мазмуни. Мулкчилик муносабатлари – иқтисодий тизимнинг асоси сифатида. Иқтисодий тизим моделлари. Мамлакат ва халқларнинг цивилизациялашган ижтимоий адолатли жамият қуриш йўлларининг муқобиллиги, кўп вариантлилиги.

## 4-мавзу. Товар-пул муносабатлари - бозор иқтисодиётининг асоси сифатида

Ишлаб чиқаришни ташқил этишнинг товар шакли – бозор муносабатларининг асоси сифатида. Товар ишлаб чиқариш ва товар муомаласининг қонун ва категориялари. Товар хўжалигида сарфланган меҳнатнинг икки томонлама тавсифи ва уни билишнинг услубий аҳамияти.

Товар ишлаб чиқаришга сарфланган иқтисодий ресурсларнинг таркиби ва ўлчами. Пул ҳажмининг кўпайиши, янги “молиявий кўпиклар»нинг товар-пул муносабатларига таъсири. Ҳозирги замон пулининг табиати.

Қийматнинг концепциялари. Классик сиёсий иқтисоднинг меҳнатни қиймат назарияси: А.Смит ва Д.Рикардо. Ишлаб чиқаришнинг омиллари унумдорлиги назарияси: Ж.Б.Кларк, А.Маршалл. Сўнгги қўшилган нафлилик назарияси: К.Менгер, Е.Бем-Баверк, Ф.Визер (Австрия иқтисодий мактаби), У.Жевонс (Англия) ва Л.Вальрас (Швейцария). Ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштиришда маржинализмнинг аҳамияти. Қиймат қонуни ва унинг мазмуни. Юқори даражада индустрлашган жамиятда қиймат.

Бозор - иқтисодий категория сифатида. Бозор иқтисодиётининг мазмуни, белгилари ва вазифалари. Бозор иқтисодиётининг ривожланиш босқичлари. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва камчиликлари. Аралаш иқтисодиёт шароитида моддий ва пул маблағларининг доиравий айланиши.

## 5-мавзу. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётини шакллантириш тамойиллари ва хусусиятлари

Бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг зарурлиги. Бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг мазмуни, белгилари ва қонуниятлари. Аралаш иқтисодий тизим. Бозор муносабатлари шаклланаётган иқтисодиётнинг кўп укладлилиги ва унинг тавсифи.

Бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг “ўзбек модели”, унинг хусусиятлари ва тамойиллари. Бозор иқтисодиётини шакллантиришда Ўзбекистонда ўзига хос моделнинг ишлаб чиқилиши. Бозор иқтисодиётини шакллантириш концепцияси ва унинг унсурлари. Бозор ислохотлари ва амалга ошириш босқичлари.

Ўзбекистон иқтисодиётида тизимли, институционал ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш. Мулкчилик шаклларининг турли-туманлиги. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни ва унинг босқичлари. Хусусийлаштириш шакллари. Мулкдорлар синфининг шаклланиши. Бозор иқтисодий маконининг яратилишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни. Шаклланаётган бозор иқтисодиётининг аграр муаммолари. Бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари.

Иқтисодиётни модернизациялашнинг моҳияти, тамойиллари, ҳаракатлантирувчи кучлари ва моделлари. Бозор иқтисодиёти шаклланаётган мамлакатларда иқтисодиётни модернизациялашнинг зарурияти, дастурлари ва амалга ошириш босқичлари.

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда эришилган ютуқлар ва 2030 йилга қадар ривожланиш стратегияси йўналишлари.

## 6-мавзу. Бозор иқтисодиётининг амал қилиш механизми ва дастаклари

Бозор иқтисодиётида талаб ва таклиф механизми, бозор мувозанати, мувозанат нархлари.

Рақобат бозор механизми сифатида. А.Смитнинг “кўринмас қўл” концепцияси. Рақобат ва монополия назариялари, капиталнинг амал қилиш шакли, рақобатнинг турлари. Л. Вальрас ва В. Паретонинг “мукаммал” рақобат назарияси. Мукаммал рақобат модели. П. Срафф, Ж.Робинсон ва Э.Чемберленнинг “номукаммал” рақобат назарияси.

Бозор типидаги “аралаш иқтисодиёт”да ракобат ва монополияларнинг нисбати. Рақобат курашининг замонавий шакллари. Ўзбекистон иқтисодиётида ракобат мухитининг яратилиши. Давлатнинг монополияга карши чора-тадбирлари. Ривожланган мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикасининг монополияга қарши қонунчилиги. Нарх шаклланишининг бозор меҳанизми. Бозорнинг турли моделларида нарх ва ишлаб чиқариш хажмининг белгиланиши. Ўзбекистонда нархнинг эркинлаштирилиш жараёни ва амалга ошириш босқичлари.

Жаҳон ва минтақавий бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишнинг

иқтисодий моҳияти. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш сиёсати. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш тўғрисида. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш дастури ва унинг амалга оширилиши.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг янги кейнсча ва янги либерал концепциялар нуқтаи назаридан талқини. Ресурслар, маҳсулот ва даромадларни давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади, шакллари ва усуллари. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви чегаралари. Ривожланган бозор иқтисодиётида рақобат, монополистик ва давлат хўжалик механизмларининг уйғунлаштирилиши.

Ўзбекистон иқтисодиётида давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириш йўналишлари. Ўзбекистонда давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштириш дастури.

## 7-мавзу. Тадбиркорлик фаолияти назарияси. Тадбиркорлик капитали ва унинг айланиши

Тадбиркорлик фаолияти ва унинг турлари. Фирманинг иқтисодий стратегияси ва оптимал мақсадини аниқлаш.

Корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва уларни кенгайтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли.

Тадбиркорлик капиталининг моҳияти. Авансланган қийматнинг доиравий айланиши корхонада такрор ишлаб чиқаришнинг зарурий шарти сифатида. Капиталнинг доиравий айланиш босқичлари ва унинг кўринишлари.

Капиталнинг айланиши. Асосий ва айланма капитал. Муомала маблағлари. Корхонанинг айланма маблағлари. Капиталнинг айланиш тезлиги. Асосий капиталнинг такрор ишлаб чиқарилиши. Ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари. Ишлаб чиқаришни интеграциялаш шакллари.

Бизнесни юритиш муҳити тушунчаси. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини давлат томонидан қуллаб-кувватлашнинг иқтисодий механизми ва дастаклари.

## 8-мавзу. Корхона харажатлари, иш хаки, даромадлар ва фойда назариялари

Ишлаб чиқариш харажатлари концепцияси: жамият харажатлари ва корхона харажатлари. Корхона харажатларининг таркибий қисмлари. Иқтисодий, зиммасига тушган ва бухгалтерия харажатлари. Ташқи ва ички харажатлар. Қиска ва узоқ муддатли даврларда ишлаб чиқариш харажатлари. Доимий, ўзгарувчан ва умумий харажатлар. Ўртача ва сўнгги кўшилган харажатлар.

Иш хақи назариялари: ишчи кучи кийматининг ўзгарган шакли, унумдорлик назарияси (меҳнат нархи); ҳаёт кечириш воситаларининг минимал даражаси. Реал иш хақи, унинг миқдори ва динамикасига таъсир этувчи омиллар. Бозор

иқтисодиётининг турли моделларида иш ҳақи ставкаси (мехнат нархи) даражаси. Иш ҳакининг шакллари ва тизимлари. Бозор муносабатлари шароитида иш ҳақи табақалашувининг кучайиши. Меҳнатга ҳақ тўлашдаги камситишлар.

Меҳнат муносабатларида давлат ва касаба уюшмаларининг тутган ўрни.

Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкаларини камайтиришнинг аҳоли даромадларига таъсири.

Саноат корхоналари билан кооперация асосидаги касаначиликни ҳамда пудрат шартномаси асосидаги уй мехнатини рағбатлантиришнинг иқтисодий моҳияти.

Даромадлар концепцияси: янги ва соф даромад; давлатнинг марказлаштирилган соф даромади ва корхона фойдаси; умумий, ўртача ва сўнгги қўшилган тушум.

Фойда концепцияси: фойда қўшимча қийматнинг ўзгарган шакли сифатида. Фоиз ва фойданинг капитал. Иқтисодий ёки соф фойда. Қисқа муддатли ва узок муддатли даврларда фойдани максималлаштириш. Рентабеллик моҳияти ва унинг даражасини ҳисоблаш усуллари.

Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва фойдани кўпайтиришда тежамкорликнинг роли. Ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришда инновацион омилларни, ресурслар ва энергияни тежовчи замонавий юқори технологияларни жорий этишнинг иқтисодий моҳияти.

**9-мавзу. Ялпи ички маҳсулот: таркиби ва ҳаракат шакллари**

“Миллий иқтисодиёт» тушунчасининг мазмуни ва таркиби. Миллий иқтисодиётнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари. Макроиқтисодий назариялар: классик мактаб, кейнсчилик, монетаризм, рационал кўтиш, таклиф иқтисодиёти назарияси.

Ялпи ички маҳсулотнинг мазмуни ва унинг ҳаракат шакллари. Ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаш усуллари. Кўшилган қиймат концепцияси. Номинал ва реал ялпи ички маҳсулот.

Миллий ҳисоблар тизими. Миллий бойликнинг мазмуни ва таркибий тузилиши. Ижтимоий фаровонлик, соф иқтисодий фаровонлик кўрсаткичи. Маҳсулотнинг сифат тавсифлари ва уни тақсимлаш муаммолари. Аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш. Турли мамлакатлар иқтисодиёт ривожланиши даражасининг қиёсий тавсифи. Хуфиёна иқтисодиёт ва уни легаллаштириш йўллари. Коррупциянинг моҳияти, сабаблари ва унга қарши кураш.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш, иқтисодиётда чукур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттириш тўғрисида. Ўзбекистон-2030 Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этишни амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонининг мазмуни ва ундан келиб чиқадиган вазифалар.

## 10-мавзу. Иқтисодий ўсиш назарияси. Барқарор иқтисодий мувозанатга эришиш муаммолари

Иқтисодий ўсиш - миллий иқтисодиёт амал қилишининг умумлаштирувчи натижаси сифатида. Иқтисодий ўсишнинг назариялари: Р. Харрод ва Е.Домарнинг иқтисодий ўсиш баркарорлигининг неокейнсча концепцияси; Р.Солоу иқтисодий ўсишнинг неоклассик модели. Иқтисодий ўсишни тушунтиришдаги янги иқтисодий карашлар.

Иқтисодий ўсишни ҳисоблаш усуллари. Иқтисодий ўсишнинг турлари, суръатлари ва сифати. Иқтисодий ўсишнинг манбалари ва омиллари.

Хусусий секторни ривожланиши, инвестициялар ҳажмини ошириш иқтисодиётни барқарор ўсиш суръатлари ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлаш омили сифатида.

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш ва уни таъминлаш омиллари. Фаол инвестиция сиёсати ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг етакчи омили сифатида.

Макроиқтисодий мувозанат назариялари. Неоклассик синтез. Даромад ва харажатларнинг кейнсча модели, AD-AS ва IS-LM моделлари. Макроиқтисодий мувозанатга эришишнинг бозор механизми. Ўзбекистонда иқтисодиёт ривожланишини, жумладан 2030 йил га кадар ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажми ва жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш миқдори бўйича белгиланган стратегик вазифалар.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг зиддиятлари. Цикллик – иқтисодий динамиканинг умумий шакли сифатида. Иқтисодий цикл назариялари. Цикллик тебранишлар механизми. Конъюктуранинг кичик ва катта цикллари. Иқтисодий инқирозлар ва уларнинг олдини олиш воситалари. Таркибий инқирозлар ва таркибий қайта куришлар. Таркибий сиёсат ва уни амалга ошириш моделлари. Инновацион-инвестиция цикллари. Миллий ва жаҳон иқтисодий цикллари.

“Covid-19” пандемиясининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири. “Covid-19” пандемияси шароитида инқирозга карши мақсадли ижтимоий-иқтисодий дастурлар. Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш тараққиёт стратегияси.

## 11-мавзу. Ишчи кучи бандлиги ва ишсизлик муаммолари. Ишчи кучи бозори

Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш. Ишчи кучи ресурсларини миқдор ва сифат жиҳатидан аниқлаш. Ишчи кучининг сифат таркибидаги ўзгаришлар. Инсон капиталига капитал кўйилмаларининг ўсиши ва сифатининг яхшиланиши.

Ишчи кучи ресурсларининг бандлик даражаси. Ишсизлик ва унинг турлари. “Табиий” ишсизликнинг неоклассик концепцияси. Бандлик даражаси ва ишсизликни аниқлаш. Инфляция ва ишсизликнинг ўзаро боғликлиги. Тўла ва самарали бандлик муаммоси.

Ишчи кучи бозори. Ўзбекистоида ишчи кучи бозорининг шаклланиши, амалга ошириш механизми ва тартибга солиниши. Ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 26 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида 2026 йилда амалга ошириладиган энг муҳим 6 та устувор йўналишдан иборат дастур тўғрисида.

**12-мавзу. Молия тизими ва молиявий сиёсат**

Бозор иқтисодиётида молия тизими. Давлат бюджета ва унинг миллий иқтисодиётдаги ўрни. Бюджет-солиқ сиёсатининг мақсади ва вазифалари. Фискал сиёсат. Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг инфляцион ва ноинфляцион усуллари.

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тузилмаси. 2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат Бюджети тўғрисида"ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида. Солиқ тизими ва уни ислох этишнинг устувор йўналишлари. Бозор иқтисодиётида кредит-банк тизимининг ўрни. Кредит муносабатларининг турлари. Ўзбекистон Республикаси банк тизими ривожланишининг барқарорлигини таъминлаш йўналишлари. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни. 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси. Ўзбекистоида пул-кредит сиёсатининг 2026 йил ва 2027-2028 йилларга мўлжалланган устувор йўналишлари.

**13-мавзу. Пул назарияси, пул муомаласи қонуни**

Пулнинг металлистик, номиналистик ва миқдорий назариялари. Пулнинг ҳозирги замон монетаристик назарияси.

Пул хўжалигининг кейнсча модели: тавсифлари, пулга бўлган талаб, портфель ёндашув, умумлашган таҳлил. Кейнсча - неоклассик синтез.

Монетаризм доктринасининг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиш эволюцияси. М.Фридменнинг пул назарияси: касса қолдиқлари бўйича талаб, портфель таркиби, доимий даромад концепцияси, узатувчи механизмлар, пул қоидаси.

Монетаризм ва кейнсчилик нуқтаи-назаридан пул сиёсати муаммолари: мунозарали ва мувофиқ тушувчи асослари. Пул муомаласи қонуни. Муомала учун зарур бўлган пул миқдори ва уни аниқлаш усуллари.

Пул муомаласининг бузилиши. Инфляция: сабаблари, турлари ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари.

Пул-кредит сиёсатини тартибга солиш механизми. Ўзбекистон Республикасида пул-кредит ислоҳотлари. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида валюта муносабатларини эркинлаштириш. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрдаги “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ЎРҚ-573-сонли қонунининг янги таҳририда валюта муносабатларини эркинлаштириш тўғрисида. Макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш.

**14-мавзу. Бозор иқтисодиётининг ижтимоий ҳимоя тизими**

Ижтимоий адолат концепцияси. Бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилган тизим сифатида шаклланиши. Даромадлар ва бойлик табақаланишининг иқтисодий-ижтимоий масалалари. Аҳоли даромадлари

табақалашувининг кўрсаткичлари ва улар ўртасидаги тафовутни камайтириш йўллари. Аҳоли камбағаллигини аниқлаш кўрсаткичлари ва камайтириш йўналишлари.

Аҳоли даромадлари даражасини тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар. Бюджетдан ташқари мақсадли ижтимоий ва хайрия фондларнинг аҳолини ижтимоий химоя қилишдаги ўрни. Оила бюджети: даромадлар ва харажатлар таркиби.

Ўзбекистонда давлатнинг ижтимоий сиёсати, мақсади, таркиби ва йўналишлари. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими, таркиби ва манзиллигини кучайтириш йўналишлари. Ижтимоий адолат ва самарадорлик. Меҳнат фаолиятини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар.

2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиётининг стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида.

**15-мавзу. Жахои иқтисодиётининг ривожланиш қонуниятлари. Миллий иқтисодиётнинг Жаҳон хужалигига интеграциялашуви муаммолари**

Халқаро меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви муаммолари. Жаҳон иқтисодиётида миллийлик ва байналминаллашувнинг диалектикаси. Капитал ва ишчи кучининг халқаро ҳаракати.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатининг тамойиллари. Очиқ турдаги иқтисодиётни барпо этиш. Миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашуви тенденциялари. Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш муаммолари. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ташқи иқтисодий алоқаларнинг эркинлашуви йўналишлари.

Жаҳон бозори ва халқаро савдо. Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ошириш йўналишлари. Ўзбекистон ва Умумжаҳон савдо ташкилоти. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида валюта бозорининг ўрни ва валюта муносабатлари.

Ссуда капиталининг жаҳон бозори. Ўзбекистон Республикасининг Халқаро молия бозори билан ҳамкорлиги. Глобал муаммолар ва уларни ҳал этишда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлиги. Халқаро иқтисодий ва экологик хавфсизлик муаммолари. “Covid-19” пандемияси ва жаҳон иқтисодий инқирози.

## Тавсия этиладиган адабиётлар руйхати


**1.**Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-580-сонли қонуни (янги таҳрир). - www.lex.uz.

**2.**Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” ги ЎРҚ-582-сонли Қонуни (янги таҳрир). - www.lex.uz.

**3.**Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрдаги “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ЎРҚ,-573-сонли қонуни (янги таҳрир).- www.lex.uz.

**4.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон Фармони. - www.lex.uz.

**5.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида” ги ПФ-5992-сонли Фармони. - www.lex.uz.

**6.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5969-сонли фармони. - www.lex.uz.

**7.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-кувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5996-сонли фармони. - www.lex.uz.

**8.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, бюджет, базавий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-кувватлаш учун ташқи ёрдам моблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4691-сонли қарори. - www.lex.uz.

**9.**Ўзбекистон Республикаси Президента Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 26.12.2025 йил.

**10.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги 2023 йил 11 сентябрдаги  ПФ-158-сонли фармони.

**11.**Ўзбекистонда пул-кредит сиёсатининг 2026 йил ва 2027-2028 йилларга мўлжалланган асосий йўналишлари.

**12.**Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси.

**13.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.09.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5837 сонли фармони. - www.lex.uz.

**14.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сон қарори.www.-lex.uz.

**15.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5 847-сон Фармони. - www.lex.uz.

**16.**“Фуқаролар учун бюджет: 2021 йил учун лойиҳа”. - www.lex.uz.

**17.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 март апрелдаги «Жиззах» эркин иқтисодий зонасини барпо этиш тўғрисида”ги ПФ-4516-сонли Фармони. - www.lex.uz.
**18.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташқил этиш тўғрисида”ги ПФ- 4931-сонли Фармони. - www.lex.uz.
**19.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори. - www.lex.uz.
**20.**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўкув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли Қарори. - www.lex.uz.
**21.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2-сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177- сонли Фармони. - www.lex.uz.
**22.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 декабрдаги “Чорвоқ” эркин туристик зонасини ташқил этиш тўғрисида”ги ПФ-5273-сонли Фармони. - www.lex.uz.
**23.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёти стратегияси тўғрисида”ги 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли Фармони. - www.lex.uz.
**24.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “2018 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3506-сонли Қарори. - www.lex.uz.
**25.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 мартдаги “Ташқи савдони янада эркинлаштириш ва савдо операцияларининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3624-сонли Қарори. - www.lex.uz.
**26.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги «Жиззах» эркин иқтисодий зонасини ташқил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5412-сонли Фармони. - www.lex.uz.
**27.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 апрелдаги “Қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3687-сонли Қарори. - www.lex.uz.
**28.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3697- сонли Қарори. - www.lex.uz.
**29.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3698-сонли Қарори. - www.lex.uz.
**30.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида” ги ПФ-5468-сонли Фармони. - www.lex.uz.

**31.**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5495-сонли Фармони. - www.lex.uz.
**32.** Ўзбекистон Республикасининг 26.12.2025 йилдаги «2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат Бюджети тўғрисида"ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ЎРҚ-388-сонли қонуни. - www.lex.uz.
**33.** Вахабов А.В. ва бошқалар. Хорижий инвестициялар. Дарслик. -Тошкент: BOOKMANY PRINT, 2025.-362 б.
**34.** A.V. Vaxabov va Sh.X. Xajibakiyev. Yashil iqtiodiyot: darslik, 2-nashr. – Toshkent: “Zebo Print”, 2021. – 264 b.
**35.**N. Gregory Mankiw. Principles of Economics. 7th Edition, NY.: Worth Publishers, 2010
**36.**Abel A.B., Bernanke B.S., Croushore D. Macroeconomics. 8 th edition. USA: Amazon, 2013.
**37.**Michael P. Todaro, Stephen C. Smith Economic Development, 12th Edition Pearson 2015. ISBN-13: 978-1292002972.
**38.**Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Экономика, 18-е издание: Пер. с англ. — М.: 000«И.Д.Вильямс», 2007. — 1360 с.: ил.- Парал.тит.англ.
**39.**Экономическая теория. Краткий курс: учебник / В.Д.Камаев, М.З.Ильчикова, Т.А.Борисовская. - 7-е изд., стер. - Москва: КНОРУС, 2020, - 382 с.
**40.**Общая экономическая теория: учебник для студентов высших учебных заведений [Электронный ресурс]: электронное учебное издание / В.А. Сидоров, Е.Л. Кузнецова, А.В. Болик [Элек-трон. дан. (6,2 Мб)]. Майкоп: ООО «ЭлИТ», 2017. http://201824.selcdn.ru/elit-050/index.html.
**41.**Экономическая теория: учебник / С.С. Носова. — 4-е изд., стер. - Москва: КНОРУС, 2017.-792 с.
**42.**Экономическая теория: Учебник для бакалавров / Под общ. ред А.А.Кочеткова. 5 - изд., перераб. и доп. - М.: издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2014. - 696 с.
**43.**Экономическая теория. Экономические системы: формирование и развитие: Учебник / Под ред. И.К. Ларионова, С.Н.Сильвестрова. - М.: издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2015. - 876 с.
**44.**Экономическая теория (политэкономия): Учебник / Под общ. ред. д-ра экон. наук, проф., засл. Деятеля науки РФ Г.П. Журавлевой. - 5-е изд. - М.: ИНФРА - М, 2014, - 864 с. - (Высшее образование).
**45.**Экономическая теория: учебное пособие / коллектив авторов: под ред. В.М. Соколинского. - 7-е изд., стер. - М.: КНОРУС, 2014. -464 с. -(Бакалавриат).
**46.**Хажиев Б.Д., Мамбетжанов К.К.. Экономическая теория. Учебник. Т.: «IQTISODIYOT», 2019. - 548 с.
**47.**Xodiyev B.Yu., Shodmonov Sh.Sh. Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik. - T.:Barkamol fayz-media, 2017. - 783 bet.
**48.** Экономическая теория. Микроэкономика-1,2: Учебник. /Под общ. ред. проф. Г.П. Журавлевой. - 4-е изд., испр. и доп. - М.: «Дашков и К», 2008. – 934 с.

**49.**Экономическое развитие: модели становления рыночной экономики: Учебник. /Р.М.Нуреев. 2-е изд., перераб. и доп. -М.: «НОРМА», 2008. - 640 с.
**50.**Экономическая теория: Экспресс курс: учеб. пос./ кол. авторов; под. ред. Грязновой А.Г. и др. 4-е изд., стер. - М.: КНОРУС, 2008. 608 с.
**51.**Экономическая теория/ Под. ред. А.И. Добрынина, Л.С. Тарасевича: Учебник для вузов. 4-изд. - СПб.: Питер, 2009. - 560 с.
**52.**Экономическая теория.: Учебник. / И.К.Станковская, И.А.Стрелец. 3-е изд., испр. - М.: «Эксмо», 2009. - 448 с.
**53.**Экономика.: Учебник. / Самуэльсон Пол Э., Нордхаус Вильям Д. 18-е изд.: Пер с англ. - М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2009. - 1360 с.
**54.**Экономикс: принципы, проблемы и политика: Учебник. /Макконнел К.Р., Брю С.Л. 17-изд. - М.: ИНФРА-М, 2009. - 916 с.
**55.** Экономическая теория: Новейшие течения Запада: /Худокормов А.Г. - М.: ИНФРА-М, 2009.-416 с.
**56.**История экономических учений, учебное пособие. /Под. ред. В.Автономова, О.Ананьина, Н.Макашевой. - М.: ИНФРА-М, 2009. - 784 с.
**57.**Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. «Иқтисодиёт назарияси» (дарслик). - Т., “Иқтисод-Молия» нашриёти, 2010. - 726 б.
**58.**Вечканов Г.С. Экономическая теория: Учебник для вузов. 3-изд. Стандарт третьего поколения. - СПб.: Питер, 2011. - 512 с.
**59.**Гукасьян Г.М. Экономическая теория: учебник / Гукасьян Г.М., Маховикова Г.А., Амосова В.В'. - 2-изд., перераб. и доп. - М.: Эксмо, 2011 . - 736 с.
**60.**Жўраев Т., Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма . - Т.: “Фан ва технология”, 2012. - 332 б.
**61.**Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. «Иқтисодиёт назарияси»: Дарслик. - Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2014. - 456 б.
**62.**Egamberdiyev F.T., Abdullayev S.A., Mambetjanov K.K. Iqtisodiyot nazariyasi: o’quv qo’llanma. - Toshkent.: Tafakkur tomchilari, 2021, - 420 b.
**63.** Вахабов А.В. “Модернизация экономики”. Учебное пособие / А.В. Вахабов, Г.Х. Разыкова; Министерство высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан. Национальный университет Узбекистана имени М. Улугбека. - Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2014. - С. 200.
**64.** Vaxabov A.V. “Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar”: darslik / A.V. Vaxabov, D.A. Tadjibayeva, Sh.X. Xajibakiyev. - Toshkent: Baktria press, 2015.- 548 b.
**65.** Вахабов А.В. Барқарор иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмуш сифатини ошириш йўналишлари. А. Вахабов ва бошқалар. -Тошкент: Dizayn market, 2024. - 372 б.
**66.**Vaxabov A.V., Mirzakarimova M.M. Ijtimoiy farovonlik nazariyasi va amaliyoti // Darslik. – Farg’ona.: “ClassiC” nashriyoti, 2023. – 629 b.
**67.**Vaxabov A.V. va boshqalar. Ijtimoiy siyosat. O’quv qo’llanma. – Toshkent: “Mumtoz so’z”, 2019. 312 bet.
**68.**Вахабов А.В. и другие. Зеленая экономика (Учебник). – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2023, 286 стр.
**69.** “Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг жаҳон тажрибаси ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш

имкониятлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. -Т.: “Университет”. 2016. 490 б.
**70.** “Жаҳонда барқарор иқтисодий ривожланиш концепцияларини амалга ошириш механизми ва дастаклари” мавзусидаги республика илмий амалий конференцияси материаллари тўплами. 2018 йил 16 май.- Тошкент, “Universitet”. 2018. - 230 б.
**71.** “Ижтимоий соҳани модернизациялаш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” мавзусидаги республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент, “Universitet”. 2018. - 432 б.
**72.** Доклад по целям развития тысячелетия. Узбекистан. 2017 / Под. общ. ред. Г. Саидовой. - Т.: Центр экономических исследований. 2017.- 100 с.
**73.** Пул-кредит сиёсатининг 2026 йил ва 2027-2028 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. 2025 йил. 83 б.
**74.** www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.
**75.** www.gov.uz - Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.
**76.**www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг расмий сайти.
**77.**www.uza.uz - Ўзбекистон Республикаси Миллий Ахборот Агентлиги расмий сайти.
**78.**www.imv.uz - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия Вазирлиги расмий сайти.
**79.**www.mehnat.uz - Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги сайти.
**80.**www.cer.uz - Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази расмий сайти
**81.**www.ifmr.uz - Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти расмий сайти.
**82.**www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
**83.** www.worldbank.org
**84.** www.imf.org
**85.** www.oecd.org
**86.** www.cisstat.com.